

Уяли телефон ва Қуръон

16:02 / 27.04.2016 3549

САВОЛ: Ассалому алайкум, шайх ҳазратлари. Китобхон шогирдингиз сифатида Сизга саволларим бор эди.

Ҳозирда уяли телефонларга Қуръони Карим сураларини ёзиш урф бўлмоқда. (30-пора ҳам ёзилаяпти). Саволим, шу ёзилган уяли телефон билан ҳар хил жойларга кирилади (хусусан хожатхонага). Шунда қандай йўл тутилади? Димоқчиманки, ана шундай телефонларга ҳам Қуръони Карим мусхафига кўрсатилган ҳурмат кўрсатиладими? Саволим ноўрин ёки беодоб бўлса, олдиндан узр сўрайман.

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Албатта, Қуръони Карим ва бу илоҳий Китобга боғлиқ ҳар бир нарсага юксак эҳтиром намуналарини кўрсатиш сиз билан биз, мўмин-мусулмон бандалар зиммасидаги бурчдир. Сиз эслаб ўтган жиҳозлар ҳам шулар жумласига киради. Қуръони Карим қироати озми ёки кўп ёзилганидан қатъи назар, мазкур жиҳозлар билан таҳоратхонага кириш, уларни нолайиқ жойларга ташлаб қўйиш ва шунга ўхшаш Аллоҳнинг китобига беҳурматлик саналадиган ҳолатлардан сақланиш лозим. Валлоҳу аълам.